ИННОВАЦИЯЛАР: ИННОВАЦИОН ОНГ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ

Ф.Х.Юлдашева, А.А. Эгамбердиев

Мақолада модернизация натижасида инновацияларнинг кириб келиши, жамиятда инновацион онг ва инновацион фаолиятнинг шаклланиши, креатив гуруҳларнинг хусусиятлари тўғрисида фикр юритилади.

***Калит сўзлар**: модернизация, инновация, инновацион жамият, инновацион онг, инновацион фаолият, креативлик, технология.*

В статье рассматриваются вопросы распространения инноваций как результат модернизации, формирования в обществе инновационного сознания и инновационной деятельности и особенности креативных групп.

***Ключевые слова**: модернизация, инновация, инновационное общество, инновационное сознание, инновационная деятельность, креативность, технология.*

The article deals with the issues of innovation dissemination as a result of modernization, the formation of innovative consciousness and innovative activity in the society and the features of creative groups.

***Key words**: modernization, innovation, innovative society, innovative consciousness, innovative activity, creativity, technology.*

Фуқаролик жамиятини шакллантириш омилларидан бири модернизациядир. Модернизация жамият демократлашиб боришининг муҳим омили ҳисобланади. Ҳар қандай модернизацияда ижтимоий ҳаётимизга тез суръатлар билан кириб келаётган инновациялар муҳим ўрин эгаллайди. “Инновация” термини “янгилик” маъносини англатади. *Инновация янги моддий ва маънавий бойликлар яратишга қаратилган мураккаб жараён бўлиб, у кишиларнинг янгича фаолиятига асосланган ва жамиятда муҳим ижтимоий ўзгаришларга олиб келадиган ижтимоий феномендир.*

Модернизация жараёни янгича фаоллик ва янгича турмуш тарзини талаб этади. Уни амалга ошириш эса ижтимоий ҳаётда янгича ёндашув ва инновацион тараққиётни тақозо қилади. Жамият ҳаётига инновацияларнинг кириб келиши бугунги кунда ҳодиса эмас, ўзининг маълум қонунлари ва тамойилларига асосланган ижтимоий феноменга ва объектив жараёнга айланди. Инновациялар жамият ижтимоий ва маданий тараққиётининг муҳим хусусияти сифатида унинг тўла қайтадан қурилишига олиб келмоқда. Буларнинг натижасида инновацион онг, инновацион ёки креатив (ижодий) ёндашув, инновацион фаолият ва уларга асосланган инновацион жамият шаклланмоқда.

Жамиятда модернизация ва инновация жараёнларининг илдизлари аслида инсоният тарихининг илк даврларига бориб тақалади. Чунки модернизация ва унинг натижасида инновацияларнинг тарқалиши тарихий жараённинг барча босқичларида ҳам мавжуд, акс ҳолда прогрессив тараққиётнинг ўзи амалга ошмаган бўлур эди. Фақат ўтмишда бу жараёнларнинг суръати анча паст бўлган. Албатта, бугунги кунга келиб модернизациянинг ҳам, унинг натижасида амалга ошаётган инновацияларнинг ҳам ва уларга боғлиқ ҳолда ижтимоий тараққиёт суръатлари ҳам ўта тезлашиб кетган. Модернизация тарихий тараққиётни таъминловчи ва тарихни ташкиллаштирувчи асосий омил бўлса, инновациялар ана шу омилнинг натижаси сифатида эътироф этилиши мумкин.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, инсон пайдо бўлибдики, мукаммалликка интилади. Янги фикрлар, креативлик, ижод ҳар доим унинг ажралмас хусусияти бўлиб келган. Инсон давр руҳи ва ўз манфаатларига мос равишда фаолиятини янгича ёндашув, янгича ҳаётий позиция, илғор ва қулай усуллар асосида қуришга интилади. Бу эса пировардида мамлакатнинг гуллаб яшнаши ҳамда аҳоли турмуш даражасининг юксалишига таъсир кўрсатади.

Ҳар қандай модернизациянинг натижаси, у қайси соҳада юз бермасин, маълум янгиликнинг кириб келишидан иборат. Бунинг таъсирида илғор ва прогрессив инновациялар тарқалади. Жамият ўзгаришлар ва тараққиёт асосида тобора янгиланиб боради. Бу эса мунтазам янгиланиб бораётган ***инновацион жамиятнинг*** шаклланишига олиб келади.

Инновацион жамият янгиланиб, мунтазам такомиллашиб ва тараққий этиб бораётган жамиятдир. Инновациялар барча соҳаларда тарқалаёт-

ган замонавий янгиликлар бўлиб, улар янги технологиялар, методлар, янгича ёндашувлар, замонавий ва қулай товарлар, фан ва техниканинг энг олдинги ютуқлари, на-на технология, маданиятнинг янги элементлари кабилардан ташкил топади. Ҳозирги кунда инновациялар жамият тарихи ва тараққиётини, динамикасини белгилаб берувчи омиллардан бирига айланиб бормоқда.

Инновацион фаолият ва инновацион онг ҳозирги модернизация контекстида янада долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди ҳамда объектив равишда ижтимоий тараққиётнинг шартига айланди. Инновацион онг асосида инновацион фаолият шаклланади. Инновацион фаолият янгилик яратиш ва унинг натижаларини амалда қўллаш орқали соҳани такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, у мавжуд тизимга янгилик асосида ўзгартириш киритиш билан кўпроқ самара олишга қаратилган. Бундай фаолият орқали кишилар инновацион жамиятнинг янгича муносабатларини шакллантирадилар, ўзлари ҳам бундай муносабатларга чуқурроқ кириб борадилар ва тобора фаоллашадилар. Инновацион фаолият, қайси соҳада бўлмасин, маълум янгиликнинг яратилишига олиб келади. Инновацион фаолият креатив, яъни ижодий ёндашувни тақозо этади. Демак, креативлик ҳар қандай инновацион фаолиятнинг шарти ҳисобланар экан. “Инновацион фаолият кўп қиррали фаолият бўлиб, ўз таркибига технологик, ташкилий, ижтимоий янгиликларни яратишни қамраб олади. Бундай фаолият жараёнида ривожланишнинг ижтимоий табиий ва иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга йўналтирилган янги модели яратилади. Бундай жараённинг асосий мақсади мамлакат аҳолисининг турмуш сифатини яхшилашдан иборат бўлади” [2.19]. Шуни таъкидлаш зарурки, инновациялар фақатгина иқтисод, техника ва технологиялар соҳаси билан чекланиб қолмай, жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олади. Инновациялар ҳақида гап кетганда, сиёсат, таълим, соғлиқни сақлаш, бошқарув, ташкилотчилик, маданият, турмуш тарзи ва бошқа соҳаларда қўлланадиган инновациялар ва инновацион фаолият ҳам назарда тутилади.

Демак, инновациялар натижасида эволюцион тарзда инсонларнинг фаолияти ҳам ўзгариб боради, бу эса жамиятда инновацион онгнинг шаклланиб бориши ва кишилар инновацион фаолиятининг кенгайиб боришига олиб келади. Бу жараёнларсиз улкан илмий кашфиётлар, фан ва техника соҳасида янгиликлар, буюк санъат асарларининг яратилиши, маданият ва маънавиятнинг ривожи мумкин бўлмас эди.

Инновацияни татбиқ қилувчилар, албатта, субъектлардир. Уларнинг модернизация ва инновацияларга муносабатлари, потенциали, онглилик даражаси, тараққиёт талаблари ва “чақириқларига жавоб бера олишлари” (А.Тойнби), ўз ҳаётлари ва фаолиятларида уларни қўллай олишлари инновацион жамиятнинг юзага келиши, инновацион онг ва инновацион фаолиятнинг шаклланиши пировардида модернизациянинг суръатларини белгилайди.

Ҳозирги кунда инновациялар жамият ва унинг аъзолари аксиологик онги ва аксиологик тизимининг тубдан ўзгариб боришига сабаб бўлмоқда. Улар тобора анъанавий қадриятлар ўрнини эгаллай бориб шахс аксиологик тизимининг зарурий элементларидан бирига айланмоқда. Бу ҳолат жамиятнинг аксиологик ориентациясига ҳам таъсир этиб, унинг кўпроқ инновацияларга интилишига, субъектларнинг креатив, яъни янгича ёндашувга асосланган инновацион онги ва инновацион фаолияти кенгайишига олиб келмоқда.

Инновацион онг жамиятга кириб келаётган янгиликлар, инновациялар ва унга боғлиқ бўлган инновацион ўзгаришларни акс эттиради. Инновацион онгнинг муҳим хусусияти ижодийлик, инновацион ёндашув, инновацион тафаккур ҳисобланади. Жамиятда шаклланиб бораётган янги кўникмалар, ёндашувлар асосида инновациялар кўпайиб боргани сари жамият аъзолари онгида инновацион жамиятда юзага келаётган муносабатлар, янгича ёндашувлар, янгича турмуш тарзининг турли жиҳатлари, ҳаётга фаол муносабат, ўз фаолиятида эса креативлик хусусиятлари кўпроқ акс этиб боради. Бундай онг сўнгги даврдаги фалсафий адабиётларда “инновацион онг” деб юритилмоқда. Демак, инновацион онг янгича асосга эга бўлган қадриятлар, кўникмалар, янгича йўналтирилган ва кўпроқ янгиликка интилаётган дунёқараш асосида тараққий этади. Инновацион онг ижодий онг бўлиб, у инсоннинг ўз ҳаётида мунтазам ижодий ёндашувга эга бўлишини, креативликни, ўзидан ўзиб кетиш учун интилишини талаб этади.

Инновациялар ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва кишиларнинг кундалик турмуш тарзи, фаолиятига чуқур кириб келаётгани сабабли субъектларнинг амалда инновацион технологиялар ва методларни қўллашлари ва улардан кенг фойдаланишлари, мазкур ўзгаришлар, янгиликларни англаб етган ҳолда замон руҳига жавоб бера олишлари ва ўз фаолиятларини инновацияларга мослаштира олишлари зарур бўлади. Бу нуқтаи назардан жамият аъзоларининг:

а) инновацион жамиятни акс эттирувчи инновацион онгга асосланишлари;

б) инновацион фаолият олиб боришлари муҳим аҳамиятга эга.

Инновациялар ҳар бир субъект, гуруҳ ва гуруҳ раҳбари ёки етакчининг фаолиятида қўлланадиган муҳим хусусият сифатида объектив зарурият айланиб қолди. Бугунги модернизация шароитида рақобатбардош бўлиш, инновацион онгга ва креативлик хусусиятларига эга бўлиш, улар асосида мунтазам равишда инновацион фаолиятини ривожлантириб бориш ҳам шахснинг зарур эҳтиёжига, ҳам унга жамият томонидан қўйилган талабга айланиб қолмоқда. Чунки фаолиятида инновацияларга муносабат, креатив ёндашув, соҳа фаолиятини яхшилашга қаратилган янгиликларни излаб топиш, янги технологияларни жорий этиш жамоа аъзоларига, уларнинг онги, қадриятлар тизими ва фаолиятига, албатта, таъсир кўрсатади.

Ҳар қандай инновацион фаолият жараёни юқори самарадорликка эришишга қаратилган. Бу жараённинг қандай бориши ва натижалари субъектларнинг:

- инновацияларни қидириб топишга интилиши ва уларни ўз фаолиятига татбиқ қила олиши;

- жамоа фаолиятини инновацион асосда қура олиши;

- инновацион ғояларни бера олиши; илғор фикрларни англаб етиши ва қабул қилиши;

- инновацион онг ва инновацион тафаккурга эга бўлиши ҳамда унга асосланган инновацион фаолият олиб бориши билан бевосита боғлиқдир.

Бу нуқтаи назардан субъектнинг интеллектуал салоҳияти даражаси аҳамиятли бўлиб, бундай потенциалнинг реализация қилиниши ташкилот ва соҳанинг ривожи ва пировардида жамият тараққиётига хизмат қилади.

Инновацион онги ривожланиб бораётган субъектда илғор фикрлаш, муаммони ҳал этишнинг креатив усулларини излаб топишга интилиш, лидерлик каби сифатлар шаклланиб боради. Бундай субъектнинг атрофига бошқаларга нисбатан илғорроқ фикрловчи кишиларнинг йиғилиб бориши жамиятда инновацион онг ва инновацион фаолиятнинг кенгайиб боришига ижобий таъсир кўрсатади. Уларнинг сони ошиб бориши жамиятда инновацион гуруҳларнинг шаклланиб боришига олиб келади. Албатта, бу жараёнда лидерларнинг инновацион гуруҳлар ва уларнинг аъзоларини аниқ стратегия ва тактика орқали креатив асосда бирлаштира олиши, гуруҳларнинг турли-туман ғоялари ичидан илғор элементларни ажрата билиши, янги билимларни амалиётга татбиқ қилиш усулларини излаб топиши кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этилган жараёнлар жамиятда инновацион муҳитнинг шаклланишига олиб келади. Бундай муҳит эса ўз навбатида кишилар онгида инновацияларга интилиш, ижодийлик, янгиликларни излаб топиш каби хусусиятларни шакллантиради. Бундан ташқари инновацион муҳит:

- инновацион онг тараққиёти ва инновацион фаолиятнинг кенгайиб бориши;

- инновацион гуруҳлар ҳаракатларининг бирлаша олиши;

- гуруҳларнинг ижодий жамоа бўлиб ишлай олиши;

- инновацион фаолиятни тўғри йўналтира олиш орқали ҳар бир аъзонинг интеллектуал потенциалини юзага чиқара олишига ижобий таъсир кўрсатади.

Инновацион онг ва инновацион фаолиятнинг кенгайиб бориши, умуман, инновациялар тараққиётида инновацион гуруҳлар алоҳида ўрин тутади. Инновацион гуруҳлар “креатив гуруҳлар” деб ҳам юритилади. Бундай гуруҳлар етакчилик хусусиятларига эга, ижтимоий ҳаётнинг замонавий эҳтиёжларига жавоб бера оладиган ва интеллектуал потенциали кучли креатив фикрловчи шахсларни бирлаштириши билан инновацион жамият шаклланишига таъсир кўрсатади. Улар жамоани юксак муваффақиятларга олиб келиши мумкин.

“Креатив гуруҳ” креатив ёндашув ва инновацион жамият субъектларининг ядроси ҳисобланади. Креатив гуруҳ – замона эҳтиёж ва чақириқларига жавоб бера оладиган, юксак интеллектуал потенциалга эга ҳамда ўз фаолиятини инновацион асосда ташкил этиш орқали бошқаларга намуна бўлиб, уларни эргаштира оладиган юксак малакали мутахассислар гуруҳидир. “Креатив гуруҳ” тушунчаси 2002 йилда америкалик олим Р.Флорида томонидан ***“креатив синф”*** тушунчаси сифатида қўлланган. Унинг креатив гуруҳ назарияси “Учта Т” (технология, талант, толерантлик) деб номланиб, креативлик ва креатив синфларни (гуруҳларни) тавсифлайди. Р.Флорида креатив синфни келажакни ўзгартириши мумкин бўлган кишилар гуруҳи сифатида тавсифлайди [5.21]. Бу гуруҳнинг таркиби креативликнинг ядроси бўлиб, унга илм-фан, техника, архитектура, дизайн, таълим, санъат соҳаларида банд бўлган мутахассислар бирлашган. Бундай гуруҳлар қуйидаги хусусиятларга эга.

Биринчидан, улар янги ғоялар, технологиялар ва креатив мазмунга асосланган иқтисодий функцияни бажарадилар. ***Иккинчидан,*** гуруҳ аъзолари мустақил ва ўзига хос тафаккурга эга бўлгани сабабли мураккаб вазифаларни бажара олади. ***Учинчидан,*** креатив гуруҳлар ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий, маданий, технологик жиҳатларга

эга бўлиб, улар креативлик, ўзига хос хусусиятлар ва шахсий хизматларга эга бўлган умумий “ижодий этнос”ни ташкил этадилар Бу этнос, юқорида қайд этилганидек, учта “Т”-технология, талант ва толерантлик хусусияти билан ажралиб туради [5.23-24].

Чуқурроқ таҳлил этилса, Р.Флорида томонидан тавсифланган “креатив синф” назариясини барча жамиятларга ҳам татбиқ қилиб бўлмайди. Аслида, креатив гуруҳлар жамият аъзоларининг анча кичик гуруҳини ташкил этади. Шундай бўлса-да, бундай гуруҳларнинг аҳамияти катта бўлиб, улар ўз атрофига талантли, ўзига хос фикрловчи, интеллектуал потенциали кучли кишиларни бирлаштиришлари мумкин. Бундай кишилар креатив ёндашувлар асосида бирлашган ижодий жамоаларнинг юзага келишида, жамиятда креатив муҳитни яратишда, инновацияларнинг тезроқ тарқалишида муҳим роль ўйнайдилар. Бу ҳодисаларнинг барчаси пировардида жамиятда модернизация жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Россиялик олим А.А.Палади фикрича, креатив гуруҳлар ижтимоий масъулиятни ҳис қиладиган етакчилардир. Улар ҳозирги иқтисодий тараққиёт талабларига мос равишда шаклланган ва хўжалик юритишнинг барча даражалари ва соҳаларида ўзаро алоқадор бўлган модернизация жараёнида муҳим аҳамият касб этадилар. Унинг фикрича, етакчилик шахс маданиятининг муҳим элементи бўлса, маданиятлилик ва ахлоқийлик етакчи фаолиятининг муҳим жиҳати ҳисобланади [4.159].

Француз олими Режи Дебре аксиологик онгни таҳлил қилувчи ва маълум ғояларнинг қадриятга айланиб бориш жараёнини тавсифлаб берувчи ***медиология*** йўналишига асос солди. Медиология янги ғоялар қандай қилиб моддийликка айлана бориб, ижтимоий ва сиёсий куч даражасига етишини ўрганади. Унинг фикрича, янги ғояларни, янгиликларни маълум етакчи кишилар ва гуруҳлар тарқатади [3].

Т.Андриянова университетлар ва ёшларнинг таълим муҳитига креатив гуруҳларнинг асоси сифатида қарайди. Креатив гуруҳлар, унинг фикрича, университетларда шаклланади. Университетлар ўзлари жойлашган шаҳарнинг иқтисодий тараққиёти, маданияти ва бошқа жиҳатларига таъсир этади. Уларда таълим муҳити муҳим роль ўйнайди. Таълим муҳитининг индикаторлари: университетларнинг халқаро интеграцияси, абитуриентларни жалб этиш даражаси, университет ходимлари илмий ишларининг иқтибослик даражаси [1.111].

Ҳар қандай жамиятда модернизация жараёнлари амалга ошаётган шароитда инновацион фикрловчи кишиларнинг кўпайиб бориши, инновацион гуруҳларнинг шаклланиши муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Инновацияларни тарқатувчилар ким бўлишларидан қатъи назар, уларнинг онгида келажак тараққиётини таъминлаш вазифаси бош мезон сифатида акс этиши мақсадга мувофиқ бўлиб, уларнинг фаолияти ватанимизнинг келажагига ва пировардида фуқаролик жамиятининг шаклланишига хизмат қилади.

Юқорида қайд этилганлар субъектни инновацион онгга эга бўлган ҳолда замонга мослашувчан бўлиш, ўз фаолиятида креативлик, ижодий ёндашув, инновацияларни қўллашга ундайди. Бундай хусусиятларнинг илғор қадриятларга айланиши жамиятда интеллектуал потенциалнинг ривожланишига олиб келади. Инновациялар аста-секин кишилар фаолиятининг ўзига хос мезонига, замонавий қадриятлар тизимининг муҳим элементига айланиб боради.

Ўзбекистонда модернизация жараёнида инновациялар тараққиёти, инновацион жамиятнинг шаклланиши инновацион онгга, илғор қадриятлар ориентациясига эга шахслар, жамоалар ва уларнинг салоҳияти муҳим роль ўйнашлари мумкин. Улар етакчилик хусусиятларига эга бўлган ҳолда, ижтимоий ҳаётнинг замонавий эҳтиёжларига жавоб бера оладиган ва интеллектуал потенциали кучли бўлган креатив фикрловчи шахсларни эргаштира олиши билан инновацион жамият шаклланишига таъсир кўрсата оладилар.

Маълумки, ҳозирги давргача инновацияларнинг иқтисодий, техник моделлари кўпроқ таклиф қилинган. Эндиликда иқтисодий соҳа билан бир қаторда бошқарув, таълим, маданият, санъат ва бошқа соҳаларни ҳам инновацион ва креатив асосда ривожлантириш борасида психологик, социологик, фалсафий, педагогик ва бошқа илмий технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ қилиш давр талабига айланиб қолмоқда.

Юқорида қайд этилганлар жамият олдига ана шундай инновацион онгга, лидерлик ва креативлик хусусиятига эга бўлган шахсларни, айниқса, ёшларни излаб топиш, уларни тарбия қилиш, уларнинг билим олиши ҳамда инновацион потенциалининг юзага чиқиши учун шароитлар яратишни муҳим вазифа қилиб қўяди. Бу соҳада асосий вазифаларни тўғри белгилаш ва унга мос сиёсат олиб боришнинг илмий механизмларини ишлаб чиқиш жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, модернизация ва инновацияларни ўз ҳаётига татбиқ этаётган

давлатлар, албатта, унинг оқибатларини англаб етишлари зарур. Инновацион жараёнларни бошдан кечираётган мамлакатлар унинг оқибатида юз бериши мумкин бўлган иқтисодий-сиёсий ҳаётнинг тубдан ўзгаришига, миллий руҳга эга маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимининг трансформацияга учраш ҳодисасига тайёр бўлиши кераклиги муаммонинг зиддиятли жиҳатларидан биридир. Инновациялар билан боғлиқ тарзда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар уни амалга оширувчи субъектлардан нафақат иқтисодий ва сиёсий, балки маданий-маънавий, ахлоқий соҳаларда ҳам гуманистик тамойиллар доирасида ўзига хос янгича тафаккур ва янгича фикрлашни талаб этади.

Адабиётлар:

1. Андриянова Т.В. Идеология креативного класса: новые возможности роста.// Вестник философии и социологии Курского государственного университета.- 2015.- № 1.- С.110-116

2. Бегматов А. Инновацион онг: моҳияти, функциялари ва шаклланиш шартлари.- Т., 2016.- 74 б.

3. Дебре Р. Введение в медиологию / пер. с фр. Б.Скуратова. – М.: Праксис, 2010.- С.368.

4. Палади А.А. Социально ответственное трудовое лидерство работников современного предприятия.// Вестник Поволжской академии государственной службы.- 2009.- № 3(20).- С.159-164.

5. Флорида Р. Креативный класс: люди, которые меняют будущее. – М.: Классика XXI, 2005.- 421 с.

Андижон давлат университети,
2017 йил 1 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ортиқов)